КУТУБХОНАСИ

2009 ЙИЛ, 7 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 69 (11.380)

Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент вилояти ҳокимлигида Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятидан одамнинг иммунитет танқислиги вируси оқибатида келиб чиққан касаллик (ОИВ) тарқалишининг олдини олишга мутасадди бўлган мутахассислар иштирокида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

● Наманган вилоятидаги Косонсой педагогика коллежида ёзувчи ва шоирлар, ҳуқуқшунослар, талаба ва ўқувчилар иштирокида давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини ўрганишга бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

● Самарқанд шаҳрида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти экспертлари, Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон таълим вазирликлари мутасаддилари иштирокида минтақавий анжуман ўтказилди. Унда мамлакатимизда миллий озчиликни ташкил этувчи қатлам вакилларининг таълим олишида яратиб берилаётган имкониятлар, уларнинг ўз конституцион ҳуқуқ ва манфаатларидан фойдаланиш борасидаги масалалар муҳокама қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш марказида буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 673 йиллигига бағишланган «Амир Темур ва Темурийлар давлати» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

● Термиз ва Денов туманларида «Қишлоқ аҳолисига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш масалалари: ҳуқуқий асослар ва тажриба» мавзуида семинар ўтказилди. Ушбу тадбир Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан қабул қилинган тадбирлар дастурини амалиётга татбиқ этиш ва жорий йилда қишлоқ аҳолисига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ишларини замон талаблари даражасида ташкил этиш масалаларига бағишланди.

● Гулистон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида «Камолот» ЁИҲ Сирдарё вилоят бўлими ташаббуси билан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ёш уй бекаларининг кўникмаларини ривожлантириш мақсадида уюштирилган «Ибратли келин» кўрик-танловининг финал босқичи ўтказилди.

● Нукусда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасидаги анъанавий «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг учинчи ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикасининг барча туман ва шаҳарларидан келган ўқувчилар спортнинг 12 тури бўйича куч синашдилар.

### ЖАҲОНДА

● Россия Давлат думаси биринчи ўқишда 2009 йилги бюджетга киритилган ўзгаришларни қабул қилди.

● Литвада президентликка номзодларнинг йиққан имзоларини қабул қилиш жараёни якунланди. Таъкидлаш керакки, номзодликка даъвогарларнинг тенг ярмиси — 7 нафари 20 мингдан ортиқ имзо йиғиб, Бош сайлов комиссиясига белгиланган муддатда топширишга улгурди. Мамлакатнинг амалдаги президенти Валдас Адамкус навбатдаги муддат учун кураш олиб бормасликка қарор қилди. Айтиш керакки, Литвада президент сайлови жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтади.

● Италиянинг марказий қисмида — Абруцо ҳудудида Рихтер шкаласи бўйича 6,3 балли кучли зилзила содир бўлди. Табиий офат жиддий талафотларни келтириб чиқарган бўлиб, ер силкиниши натижасида 150 га яқин киши ҳаётдан кўз юмди, 1,5 мингдан ортиқ аҳоли турли даражадаги тан жароҳатларини олди, кўплаб уйлар вайрон бўлди. Кучли зилзила муносабати билан мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

● Кеча Сомали денгиз қароқчилари томонидан Буюк Британия ҳамда Тайванга тегишли бўлган яна иккита кема қўлга олинди.

● Бугун НАТО ҳарбий альянси таркибига Хорватия ва Албания мамлакатлари қабул қилинди.

● Кеча Ироқнинг Бағдод шаҳрида кетма-кет тўртта портлаш содир этилди. Ироқ пойтахти марказидаги гавжум кўчадаги биржа биноси ёнида кетма-кет тўртта миналаштирилган машинанинг портлатилиши оқибатида камида 14 киши ҳаётдан кўз юмди, 40 дан ортиқ аҳоли тан жароҳатларини олди.

● Грузиядаги мухолифат кучлари етакчилари оммавий норозилик акциясини бошлаш учун Тбилиси шаҳар мэриясига ёзма равишда талабнома тақдим этишди. Мухолифатчиларнинг таъкидлашича, муддатсиз бу акция мамлакат президенти Михаил Саакашвилининг истеъфосини тезлатиши мумкин.

● Мисрнинг Кальюбия музофотида паранда гриппи аломатлари аниқланди. Ушбу хасталик вирусини юқтирган 6 ёшли бола касалхонага ётқизилди. Шифокорлар унинг аҳволи оғирлигини таъкидлашмоқда. Ҳозиргача Мисрда шу касалликка чалинган 62 киши қайд этилган.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

***Маркетинг ишларини яхши ташкил этиб, ички ҳамда ташқи бозорда харидорлар талабини ўрганиш асосида сифатли ва рақобатга чидамли маҳсулотлар тайёрлаётган корхоналарда нафақат буюртмалар кўпаяди, балки унинг нуфузи ҳам ортиб боради.***

### Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Юнусобод туманидаги 63-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Тошкент: кеча ва бугун» мавзуида ўтказилган тадбир азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.

● **КЕЧА** Амир Темур хиёбонида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ташаббуси билан буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 673 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда партия фаоллари ва ёшлар иштирок этишди.

● **ЎТГАН** куни Мирзо Улуғбек туманидаги 279-мактабда «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ташаббуси билан ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Тошкентим—она шаҳрим» мавзуида уюштирилган семинар пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** 71-мактабда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўқувчилар томонидан тайёрланган деворий газеталар, буклетлар, рефератлар танлови ва кўргазмаси ташкил этилди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат консерваториясида Республика «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ва шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ташаббуси билан ёш иқтидорли дирижёр Азиз Шоқосимов раҳбарлигидаги талабалар симфоник оркестрининг концерти санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

*Қўшма корхоналар фаолиятидан*

## ИШОНЧЛИ ҲАМКОР



Бугунги кунда ўзининг замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган бунёдкорлик ашёлари билан кўплаб қурилиш ташкилотлари, фирма ва компанияларнинг ишончли ҳамкорига айланган «DESK INBEST» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонаси ана шундай жамоалар сирасига киради.

Корхона 2002 йилда ташкил этилган бўлиб, 2003 йилдан бошлаб маҳсулот тайёрлашга киришган. Ушбу маҳсулотлар Финляндиянинг таниқли «SINTECH» фирмаси технологик линияси асосида ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур линия қувватидан самарали фойдаланган ҳолда корхона цехларида бунёдкорлик ишлари учун зарур замонавий материал — турли ҳажм ҳамда рангда профилланган томёпқичлар ва юқори сифатли рангли полимер билан қопланган пўлатдан фойдаланган ҳолда металлчерепицалар тайёрланмоқда. Энг муҳими эса мазкур қурилиш ашёлари бугунги кун талабларига тўла жавоб беради ва сифат сертификатига эгадир.

Корхона цехларига ўрнатилган юқоридаги технологик жиҳозлар компьютерлашган тизимда ишлайди. Уларни махсус тайёргарликдан ўтган малакали мутахассислар бошқаришади. Улар учун мунтазам равишда техник ўқувлар ташкил этилади. Агарда ишлаб чиқариш жараёнида муаммолар юзага келса, линияни тайёрлаган финляндиялик ишлаб чиқарувчилар тезлик билан ечимини топишда ёрдам беришади.



Албатта, ҳар бир ишда ҳамкорлик яхши самара беради. Шу боис ҳам тадбиркорлар ўзларига хом ашё етказиб берувчи Россиянинг Новолипецк ва Магнитогорск металлургия комбинатлари билан мунтазам мулоқотда бўлиб туришади. Хом ашёнинг юқори сифати эса корхона маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлайди. Шу боис ҳам улар 50 йиллик кафолат муддати билан ишлаб чиқарилмоқда ва бунёдкорлик ишларида кенг қўлланилмоқда.

Бугунги кунда ранги ва ҳажмига кўра корхонада 40 турдаги металлчерепица ҳамда томёпқичлар ишлаб чиқариляпти. Цехлардаги технологик линия йилига 700 минг квадрат метр томёпқич ашёлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, ҳозирда 70 фоиз қувват билан ишланмоқда. Албатта, буюртмаларнинг ортиб бориши яқин келгусида тўла қувватни ишга солишга имконият яратади.

Ўтган йилларда корхона маҳсулотларидан пойтахтимиздаги кўплаб бино ва иншоотлар қурилишида унумли фойдаланилди. «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги сузиш ҳавзаси, Эски шаҳардаги замонавий бинолар, Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи ана шулар жумласидандир.

Тадбиркорларнинг келгуси мақсадлари сирасига маҳсулот турлари ва сифатини янада ошириб, ишлаб чиқариш ҳажмини юксалтириш киради. Айни пайтда ана шу мақсад йўлидаги изланишлар давом этмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: тадбиркор жамоа аҳлининг изланишлари маҳсулот сифатини таъминламоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

***ЮНЕСКОнинг Париждаги штаб-квартирасида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган тадбирларнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.***

## ПАРИЖДА ТОШКЕНТ ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Мазкур тадбирлар доирасида "Ўзбекистон ҳунармандчилиги ва халқ амалий санъати" кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда ЮНЕСКО ҳузуридаги доимий ваколатхоналар раҳбарлари, сенаторлар ва депутатлар, Париж шаҳри ва туманларининг ҳокимликлари, Франция сиёсий, ишбилармон, маданий ва ижтимоий доиралар вакиллари қатнашди. Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКОдаги доимий вакили Л.Тиллаева, ЮНЕСКО бош директори К. Мацуура ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Н. Бахтиёров сўзга чиқишди.

ЮНЕСКО бош директори К. Мацуура ўз сўзида кейинги йилларда Ўзбекистон билан ЮНЕСКО шафелигида қўшма тадбирлар ўтказишнинг яхши анъанаси шаклланганлигини таъкидлади. Бунга 2000 йилда бағрикенглик бўйича Тошкент декларацияси қабул қилинган халқаро конференциянинг Тошкент шаҳрида муваффақиятли бўлиб ўтганлиги далил бўла олади. Икки йил олдин эса ЮНЕСКО Ўзбекистоннинг яна бир машҳур шаҳри, Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлади. Бугунги тадбир ҳам Ўзбекистон учун бўлгани каби, ЮНЕСКО учун ҳам муҳим воқеа ҳисобланади.

"Мен Ўзбекистон раҳбариятига ЮНЕСКО билан ҳам моддий ва ҳам номоддий кўринишдаги бой маданий меросни асраш борасидаги самарали ҳамкорлик учун миннатдорлик билдираман. Шу ўринда ўзбек анъанавий мусиқаси – Шашмақомни, шунингдек, ЮНЕСКОнинг Номоддий маданий мерос репрезентатив рўйхатига киритилган Бойсун ҳудуди маданиятини алоҳида қайд этишни истардим", - деди К. Мацуура.

ЮНЕСКО бош котиби ушбу ташкилотнинг Париждаги штаб-квартирасида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи доирасида ташкил этиладиган барча тадбирлар муваффақият билан ўтишига, шунингдек, Ўзбекистон билан келгусидаги ҳамкорлик янада самарали бўлишига ишонч билдирди.

"Ўзбекистон ҳунармандчилиги ва халқ амалий санъати" кўргазмаси меҳмонлари намойиш этилган экспонатларни қизиқиш билан кўздан кечириб, ўз таассуротлари билан ўртоқлашдилар.

**Сенатор, Франция сенатидаги "Франция-Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи раиси Б. Брут хоним**нинг фикрича, "Ўзбекистон халқ амалий санъатига бағишланган кўргазманинг Парижда ташкил этилиши француз жамоатчилиги орасида катта таассурот уйғотди ва ўзбек халқининг бой маданий мероси билан яқиндан танишиш имкониятини берди. Кўргазма экспонатлари ноёб ва ўзига хос, уларнинг ҳар бири Ўзбекистон ва Тошкент тарихининг турли даврларини ўзида намоён этади.

Франция Сенати делегацияси таркибида мен ўтган йил сентябрь ойида Ўзбекистонга бордим ва мамлакатингизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида демократик ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг муваффақият билан амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдим. Яқинда эса Президентнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўқиб чиқдим. Китобнинг асосий моҳияти ва мураккаб вазиятда инқирозни енгиб ўтиш билан боғлиқ таклифлар нафақат Ўзбекистон учун муҳим, балки улардан бошқа давлатларда ҳам муваффақият билан фойдаланиш мумкин".

**Париж шаҳрининг 1-тумани ҳокими Ж. Лагари** «Ўзбекистон пойтахти минтақадаги йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказ бўлиб, биз Тошкент шаҳри ҳокимияти билан савдо-иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларимизни янада ривожлантириш тарафдоримиз. 2007 йилда Тошкент шаҳрининг Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинганлиги муносабати билан, Тошкентда Лувр ислом музейи галереяси экспонатлари намойишини ташкил этишни таклиф қиламиз. Бундай тадбир ўзбек жамоатчилигига дунёга машҳур музей дурдоналари билан танишиш имкониятини беради, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорликнинг янада фаоллашувига хизмат қилади», - дея таъкидлади.

**Сенатор, Франция сенатидаги "Франция-Ўзбекистон" дўстлик гуруҳи аъзоси А. де Монтескью** тадбир ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирар экан, жумладан шундай деди: «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи муносабати билан бўлиб ўтаётган тантаналар қадимий Буюк Ипак йўли цивилизациясига доимо алоқадор ва ўзаро бир-бирини бойитиб келган Ўзбекистон пойтахтининг кўп асрлик тарихини яққол намойиш этади. Тошкент ҳамиша Шарқ билан Ғарбни бирлаштириб келган. Ушбу шаҳар ва унинг дунё цивилизациясига ривожига қўшган ҳиссаси ЮНЕСКО томонидан муносиб баҳоланганлигини айтиб ўтишни истардим».

**«Жаҳон» АА, Париж**

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Сингапур Республикаси парламенти Спикери Абдулла Тармуғий раҳбарлигидаги делегация 6 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова билан учрашди.***

## СИНГАПУР ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар Ўзбекистон билан Сингапур ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни барча жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, Президент Ислом Каримовнинг 2007 йилнинг январь ойида Сингапурга давлат ташрифи ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқди.

Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчил ривожланаётгани бизни ғоят қувонтиради, — деди Абдулла Тармуғий. — Ташриф асносида юртингизни ҳар жиҳатдан ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганининг гувоҳи бўлдик. Ўзбекистонда қонун ижодкорлари учун яратилган қулай шароит ва имкониятларга ҳавас қилса арзийди. Икки томон учун ҳам фойдали ҳамкорликни барча йўналишлар қаторида парламентаризм соҳасида ҳам янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Сингапур Республикаси парламенти Спикери Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров билан ҳам музокара ўтказди. Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Томонлар бу йўналишдаги алоқаларни янада фаоллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар.

**(ЎзА)**

№ 69 (07.04.2009)

***Бугунги кунда шаҳримиз кўчаларида йўловчилар узоғини яқин қиладиган янгидан-янги транспорт воситаларининг кун сайин кўпайиб бораётгани, йўлларнинг тобора равонлашиб, замонавий кўриниш касб этаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.***





*Фармон ва ижро*

# ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Пойтахтимиз кўчаларидаги бу каби қулайликларни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги "Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонига асосан ташкил этилган "Тошавтобустранс" акциядорлик компаниясининг хизмати беқиёс. Ушбу Фармонга мувофиқ компания таркибига шаҳримизда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи 10 та автобус саройлари, 6 та таксомотор корхоналари ҳамда "Мерседес-Бенц" сервис маркази киритилган. Ҳозирги кунда мазкур ташкилот тасарруфида жами 1458 та ҳаракат таркиблари мавжуд. Булардан 779 та "Мерседес-Бенц", 496 та "Исузу", 10 та "Хундай", 173 та "Отайўл" русумидаги автобуслар 122 та шаҳар автобус йўналишларида 36 та йўналишли такси пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига хизмат қилмоқда. Мазкур йўналишларга ҳар куни 1288 та автобус чиқарилади. 17625 та қатнов амалга оширилади. 1078,9 минг йўловчи ўз манзилларига бехатар етказиб қўйилади. Ўтган давр мобайнида эса шаҳар жамоат транспортини янада юксалтириш, аҳолининг мазкур хизматга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида 11 та янги йўналишлар ташкил этилди. Мавжуд йўналишларнинг 53 тасида ҳаракатланиш трассаларига ўзгартиришлар киритилди. 117 та йўналишларга қўшимча равишда 283 та ҳаракат таркиблари бириктирилди.

— Бизнинг асосий мақсадимиз шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига сифатли жамоат транспорти хизматини кўрсатишдан иборатдир, — дейди "Тошавтобустранс" акциядорлик компанияси директори ўринбосари, бош муҳандис Ҳабибулла Исматуллаев биз билан суҳбатда. — Шу боис жорий йил давомида ҳам бу борадаги ишларимизни жадаллаштиришга хизмат қиладиган бир қатор режалар доирасида фаолият олиб бормоқчимиз. Жумладан, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, йўловчи ташиш транспорти ишини барқарорлаштириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилишини давом эттириш, даромад ҳажмининг ўтган йилдаги кўрсаткичига нисбатан кам бўлмаслигига эришиш, ҳаракат таркибларини янгилашга доир ишларни давом эттириш сингари бир қатор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Агар ўтган йил давомидаги ишлар сарҳисоб қилинадиган бўлса, автобус саройлари қошида 5 та масъулияти чекланган жамиятлар тузилгани, 167 та қўшимча ишчи ўринлар ташкил этилгани маълум бўлади. Автобус йўналишларидаги йўловчилар ташиш иш ҳажми эса 101,6 фоизга бажарилди. Бу 117,7 миллион йўловчи ташилди демакдир. Умумий миқдордаги ўз манзилларига етказиб қўйилган йўловчилар ҳажми эса 393,8 миллион йўловчини ташкил этиб, белгиланган режа 102,3 фоизга бажарилди.

Бугунги кунда кадрлар масаласига жиддий эътибор қаратиш, уларнинг ҳар томонлама етуклигига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода ўтган йилнинг 24 декабрь ҳолатига кўра, компания корхоналарида 6249 нафар ходим фаолият юритмоқда. Шундан 2507 киши автобус ҳайдовчилари, 322 нафари енгил такси ҳайдовчилари, 997 нафари чиптачи, 886 нафари эса таъмирловчи усталардир. Бу вақт давомида 1658 нафар ходим ишга қабул қилинган бўлиб, улардан 699 нафари автобус ҳайдовчиси, 149 нафари енгил такси ҳайдовчилари, 317 нафари чиптачи, 171 нафари таъмирловчи усталардир. Шу билан бир қаторда 118 нафар автобус ҳайдовчилари, 42 нафари таъмирловчи уста мутахассислиги бўйича тайёрланди.

Маълумки, бугунги тезкор, шиддат билан ривожланаётган яшаш тарзимизда бежирим, замонавий қулайликларга эга жамоат транспортларидан фойдаланиш ўзига хос аҳамият касб этади. Шу боис, Истиқлол шарофати туфайли 1994 йилда пойтахтимиз кўчаларида "EwoBus GmbhH" компаниясига қарашли "Мерседес-Бенц" фирмасининг "О 405" русумидаги автобусларининг қатнови йўлга қўйилди. Автобуслар босқичма-босқич равишда 1998 йилгача келтирилди ва ушбу модификациядаги жамоат транспортлари сони бугунги кунда 280 тани ташкил этади. Мазкур русумдаги илк "қалдирғоч"лар йирик техник нуқсонсиз 1 миллион километрдан ортиқ масофани босиб ўтди ва бугун ҳам улар йўловчилар узоғини яқин қилишда давом этмоқда. Энг эътиборлиси ушбу русумдаги автобусларни тасарруф этиш техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг юқорилигини кўрсатмоқда. "Мерседес-Бенц" фирмасининг "О 345" русумидаги автобуслари эса 2003 — 2004 йилларда келтирилди. Бугунги кунда улар 450 — 500 минг километр масофани босиб ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 февралдаги "Тошкент шаҳрини йўловчилар ташиш автобуслари билан таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан 200 та "Мерседес-Бенц Conecto Low Floor" русумидаги янги автобуслар келтирилди. Мазкур жамоат транспорти "Евро-3" экологик андозасига мос двигателларга эга бўлиб, соҳа мутахассисларининг техник қулайлик борасидаги энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этган. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 18 ноябрдаги Фармонига мувофиқ жорий йил давомида бу каби қулай ва шинам автобуслардан яна 200 таси шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларига намунали хизмат кўрсатиш учун келтирилиши кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, компания мутасаддилари жорий йил давомида ҳаракат мунтазамлигини ошириш, оралиқ қатнов вақтини қисқартириш, ҳайдовчи ва чиптачиларнинг муомала маданиятига эътибор қаратиш сингари режаларни кўзда тутган. Уларнинг барчаси шаҳримиз аҳолиси ва мезбонларига сифатли хизмат кўрсатишдек эзгу мақсадлар билан чамбарчас боғлиқ.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

***ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲИССАСИ БОР. ШУ БОИС ҲАМ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК РАВНАҚИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛИБ, ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА, КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА. БУНИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИГА ОИД ҚАТОР ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ ЁРҚИН ИСБОТЛАМОҚДАКИ, УШБУ ҲУЖЖАТЛАР ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ЭРКИН ФАОЛИЯТ ЮРИТИШЛАРИДА, ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИДА, УЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЩДА, ТУРЛИ СУНЪИЙ ҒОВ-ТЎСИҚЛАРГА ҚОНУНИЙ БАРҲАМ БЕРИЩДА, САФЛАРИ КЕНГАЙИБ, МУСТАҲКАМЛАНИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА. МАЗКУР СОҲАДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ҲАМ ЎТГАН ЙИЛИ ҚАТОР РЕЖАВИЙ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРДИ.***

*Ислоҳотлар оқимида*

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎЛИДА

— Мамлакатимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишбилармонларнинг эркин фаолият юритишини таъминлаш энг муҳим омиллардан бири саналади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи Шавкат Мирзаев. — Сабаби, тадбиркорликни ривожлантириш ортида иқтисодиётимизнинг ривожи ётади, шу боис ҳам тадбиркорлик субъектларига янада кенгроқ имтиёз ва шароит яратиб бериш зарурияти мавжуд. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришдан иборатдир. Хусусан, тадбиркорнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар жиҳатдан ҳимоялаш орқали иқтисодиётимизни юксалтирибгина қолмай, балки баъзи бир долзарб ижтимоий муаммоларга ҳам барҳам бериш мумкин.

Ўтган 2008 йилда палатанинг 1300 нафардан зиёд аъзоларига юридик хизмат ҳамда туман ахборот-маслаҳат марказлари унитар корхоналари томонидан тадбиркорлик субъектларига турли ёрдам кўрсатилди. Уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари судларда ҳимоя қилинмоқда: йил давомида 87 та суд жараёнида тадбиркорлар манфаатига 63 242 357 668 сўмлик даъво аризалари киритилиб, пул маблағлари ундириб берилди (асосан шартнома шартлари ўз вақтида бажарилмаслиги сабабли). Жумладан, Юртбошимизнинг 2005 йил 24 июндаги «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармони суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, судлар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа идоралар томонидан таъсир чораларини либераллаштириш борасида ташланган катта қадам ҳисобланади. Жазо маъмурий жавобгарлик чораси билан чекланади, холос (фақат бундай ҳуқуқбузарлик қасддан қилинмаган, давлат бюджети ва мақсадли жамғармаларга тўловлар камроқ тўланишига олиб келмаган бўлиши лозим), ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд тартибида қўлланилиши белгиланганини ишбилармонларга мадад бўлмоқда.

Тадбиркорларга ҳар томонлама ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, малакасини оширишда туманларда фаолият юритаётган ахборот-маслаҳат марказларининг ҳиссалари ҳам салмоқли. Уларнинг палата билан ҳамкорликда туманларда фаолият юритаётган кичик фирма, хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятлари самарадорлигини оширишда хизматлари катта бўлмоқда. Масалан, улар учун меъёрий ҳужжатлар, Қарор ва Фармонлар ижросини таъминлаш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида қатъий режа асосида ўқув-семинарлар, машғулот, учрашувлар очиқ мулоқот тарзида уюштирилади...

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, кейинги йилларда банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш борасида қабул қилинган бир қатор Фармон ва қарорларда хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш, айниқса, аҳолининг кам таъминланган қатламининг тадбиркорлик фаолияти билан машғул бўлиши янгидан иш бошлаган тадбиркорларнинг ўз фаолиятларини йўлга қўйишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида микрокредитлар ажратишда уларга қўшимча имтиёзлар бериш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилгани ҳам айни муддао бўлди.

Бошқарма шуларга таянган ҳолда йил давомида бир неча қўлланмаларни чоп эттирди ва улар пойтахтлик тадбиркорларга бепул тарқатилди, деярли ҳамма туман ҳокимликлари биноларига (Миробод, Яккасарой, Чилонзор, Учтепа, Ҳамза, Собир Раҳимов, Бектемир туманлари) ахборот ва эълонлар пешлавҳалари ўрнатилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда баҳорда шаҳар саноат ярмаркаси ташкил этилиб, унда 52 нафар тадбиркорлик субъектлари қатнашди ҳамда 200 дан ортиқ шартномалар тузилди. Октябрь ойида ўтказилган Республика саноат ярмаркасида шаҳримиздан 67 нафар тадбиркор — ишлаб чиқарувчилар иштирок этиб, 250 та шартноманинг имзоланиши таъминланди.

Бундан ташқари, Президентимиз соврини учун анъанавий ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг йилдан йилга кенг қулоч ёзиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас, албатта. Хусусан, пойтахтлик тадбиркорларнинг ўз билим, маҳорат, қизиқишлари, изланишлари туфайли ҳам (уч босқичдан иборат ушбу кўрик-танловда ўтган йили жами 330 нафардан зиёд тадбиркор, ҳунармандлар қатнашди) Юнусобод туманида фаолият юритаётган «AZN» масъулияти чекланган жамияти раҳбари республика босқичида олий соврин — «Матиз» автомашинасини қўлга киритди.

Жорий йилда ҳам бошқарма жамоаси тадбиркорлар муаммоларини ўрганишга эътибор қаратмоқда. Албатта, уларнинг ютуғидан қувониш, муваффақиятларига кўмаклашиш, ечимини кутаётган масалаларда мададкор бўлиш мақсадида бел боғлашган. Иқтисодиётимиз равнақида муҳим ўрин эгаллаб турган тадбиркорлар нафақат ички бозоримизни сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлари билан таъминлашлари, балки экспорт салоҳиятини оширишлари, яъни «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи билан хорижий давлатларни «забт» этишлари юртимиз иқтисодиёти ривожига хизмат қилади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

*Ватан ҳимояси — муқаддас бурч*

# ОРЗУИНГ УШАЛСИН, САРДОР!

***Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмда Қуролли Кучларимиз сафига қўшилган ёш аскарларнинг қасамёд қилиш маросими бўлди.***

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар мамлакатимизда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани, муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитлари йилдан-йилга яхшиланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бунда муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ ёш аскарлар ўқув-жанговар машғулотлар ўтказадиган пунктлар инфратузилмаси такомиллаштирилиб, барча зарур моддий-техник ашёлар билан таъминланмоқда.

Қасамёд қилган ёш аскарлар сафида бухоролик Сардор Собиров ҳам бор.

— Бу ерда аскарларнинг яшаши, машғулотлар ўтиши ва спорт билан шуғулланиши учун яратилган шароит мен ўйлагандан ҳам зиёда экан, – дейди С.Собиров. – Тенгдошларим қатори ўз йигитлик бурчимни ўташга киришаётганимдан жуда хурсандман. Ниятим – келажакда шартнома асосида хизматни давом эттиришдир.

# ДАСТУР МАҲСУЛОТЛАРИ ТАНЛОВИ

***Энг яхши дастур маҳсулотлари миллий танлови бошланди.***

Мамлакатимизда дастур маҳсулотлари ишлаб чиқиш ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан дастур маҳсулотлари яратишга ихтисослашган корхоналар учун белгиланган солиқ имтиёзлари, мана беш йилдирки, амалда қўлланилмоқда.

Бу эса Ўзбекистонда дастур маҳсулотлари миллий бозорининг сон ва сифат кўрсаткичлари ўсишида муҳим омил бўлмоқда. Дастур маҳсулотлари ишлаб чиқиш соҳасида фаолият юритувчи корхоналар сони ўсмоқда, ушбу маҳсулотлар бозорининг ҳажми ва лицензияли дастурий таъминотдан фойдаланиш даражаси ортмоқда, сертификатга эга дастурчилар кўпаймоқда. Бунда халқаро аутсорсинг тизимидаги дастур маҳсулотларини ишлаб чиқувчилар ролини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу йилнинг май ойида пойтахтимизда Ўзбекистон дастурчилари миллий форуми ҳамда "BestSoft-Uzbekistan 2009" дастур маҳсулотлари миллий кўргазмаси ўтказилади. Мазкур тадбир доирасида уч йилдан буён дастур маҳсулотлари танлови ташкил этилмоқда.

Танловда "BestSoft-Uzbekistan 2009" кўргазмасининг барча иштирокчилари – Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган давлат ташкилотлари ва муассасалари, шунингдек, мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқа корхона ва компаниялар ҳам қатнашиши мумкин. Айни пайтда танловга фақат Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқилган дастурлар қабул қилинади.

"BestSoft-Uzbekistan 2009" республика кўргазма-форуми танлови ғолиблари уч йўналиш – "Йил маркаси дастури", "2008 йилда жорий этилган энг яхши лойиҳа", "IT — таълим соҳасидаги энг яхши компания" номинациялари бўйича мукофотланади. Танловга ҳужжатлар шу йилнинг 1 майига қадар қабул қилинади. Ушбу танлов ҳақидаги батафсил маълумот билан Интернет тармоғидаги www.bestsoft.ictp.uz сайти ёки танлов ташкилотчиси – Ўзбекистон IT уюшмасига тел/факс: (998771) 2384174, e.mail: info@ict.uz. манзили бўйича мурожаат қилиш орқали танишиш мумкин.

**(ЎзА)**

*Иқтисодиёт*

# ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ

**МАҲАЛЛИЙ КОРХОНАЛАРДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР ИЧКИ БОЗОРНИ ТАЪМИНЛАШДА, ХАРИДОР ДИД ВА ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. ШУНИНГ БАРОБАРИДА ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН БУНДАЙ ТОВАРЛАРГА ТАШҚИ БОЗОРДА ҲАМ ХАРИДОРЛАР ТОПИЛАДИ.**

Фаолиятини 2004 йилда бошлаган «TOSHKENT-TRANS-ENERGO» хусусий корхонасида юқори ва паст кучланишдаги электр ускуналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, улар трансформатор подстанцияларида ишлатилади. Тадбиркорлар ишлаб чиқарилаётган мазкур маҳсулотларнинг сифатли ва ишончлилигига, узоқ муддат хизмат кўрсатишига алоҳида эътибор қаратаётгани боис ҳам йилдан йилга маҳсулот тайёрлаш ҳажми ва буюртмачилар сафи ортиб бормоқда. «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси, нефть-газ тизимидаги корхона ва ташкилотлар бугунги кунда асосий буюртмачилар сирасига киради.

— Ўтган йилда цехларимизни модернизация қилишга эътибор қаратдик, — дейди корхонанинг тижорат директори Искандар Султонов. — Ишлаб чиқариш ҳажми эса 300 миллион сўмликни ташкил этди. Тайёрланаётган электр ускуналаримиз сертификатланган бўлиб, давлат стандарти талабларига тўла жавоб беради. Уларнинг тури 30 хилдан ортиқдир. Жорий йилда Хитой ва Россиядан янги технологик линияларни келтиришни ва шу асосда маҳсулотнинг бир нечта янги турини ишлаб чиқаришга жорий этишни режалаб турибмиз.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, тадбиркорлар жорий йилда 1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни мақсад қилишган. Тайёрланган маҳсулотнинг 30 фоизи хорижий давлатларга экспорт қилинади. Ҳозирда Россия, Қозоғистон, Эрон сингари давлатлар мазкур маҳсулотларга қизиқиш билдирмоқда.

Корхона тадбиркорлари жорий йил охиригача кўзлаган ниятларини амалга ошириб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратишга саъй-ҳаракат қилишмоқда. Шу ўринда таъкидлаш керакки, 2008 йилни ўзига хос ютуқлар билан якунлаган корхона Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг Мирзо Улуғбек туман босқичида ғолибликни қўлга киритиб, «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлди.

# УСТА КУЛОЛ

**ОТА-БОБОЛАРДАН МЕРОС МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ЗАНГОРИ КУЛОЛЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДА БЕТАКРОР БУЮМЛАР ЯСАЁТГАН БАҲОДИР ОТАЖОНОВ ЯНГИЛИКЛАР ЯРАТИШ ЙЎЛИДА ИЗЛАНИБ МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДА.**

Баҳодир Отажонов кулолчилар сулоласи вакилларидан бири бўлганлиги боис ҳам болалигидан шу ҳунарга меҳр қўйган. У йўқолиб бораётган зангори кулолчиликни қайта тиклаш, ижодий изланишлар асосида янгиликлар яратишга интилмоқда. У ясаган кулолчилик буюмлари ўзининг алоҳида жозибаси, ранг-баранглиги билан алоҳида ажралиб туради. Уста ҳунарманд 1991 йилда Бирлашган Араб Амирликлари, 1992 йилда Малайзия, 2002 йилда эса Жанубий Корея давлатларида ўтказилган халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этиб, ҳақиқий санъат асарлари бўлган кулолчилик маҳсулотларини намойиш этган ва эътирофга сазовор бўлган. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, уста томонидан ишланган зангори кулолчилик кошинлари кўплаб хорижий давлатлардаги бинолар, муҳташам иншоотлар, мадраса ва тарихий обидаларни таъмирлаш ишларида қўлланилмоқда.

— Авлоддан авлодга ўтиб келаётган мазкур ҳунар мен учун жудаям қадрли, — дейди Баҳодир Отажонов. — Шу боис уни давом эттирибгина қолмай, зангори кулолчилик бўйича нозик дид билан ишланадиган буюмларга янгидан безак бериш, бадиийлигини янада ошириш, ранглардан янги ранглар излаб бетакрор асарлар яратишга интиламан. Ҳозирда шогирдларимнинг сони 16 нафардан ортди. Келгусида эса зангори кулолчилик мактабини янада кенгайтиришни, ёшларга ушбу ҳунар сир-асрорларини ўргатишни ният қилганман.

Шунингдек, изланувчан ва тадбиркор уста хорижий давлатлардан буюртмалар қабул қилиб, экспорт ҳажмини янада оширишни кўзламоқда.

# ПАРДОЗЛАШ АШЁЛАРИ

**СИФАТЛИ ВА МУСТАҲКАМ ҚИЛИБ ТАЙЁРЛАНГАН, ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ БУНЁДКОРЛИКДА ҚЎЛ КЕЛАДИ ҲАМДА ҚУРУВЧИЛАР МАҲОРАТИНИ ОШИРАДИ.**

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «EVRO STONE» Ўзбекистон — Австрия қўшма корхонасида ҳозирги кунда бунёдкорликда кенг қўлланилаётган замонавий қурилиш ашёси — агломерат тошидан бадиий безак плиткалари ишлаб чиқарилмоқда. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, мазкур корхонадаги махсус лабораторияда хом ашё сифатига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги тайёр маҳсулот рақобатбардошлигини оширмоқда.

Корхонада тайёрланаётган безак плиткаларини тайёрлашда цехларга ўрнатилган Италия фирмасининг технологик линиялари ниҳоятда қўл келмоқда. Шуниси эътиборлики, корхона маҳсулотларига Россия, Қозоғистон сингари давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Шу боис ҳам мазкур давлатларда корхонанинг савдо уйлари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Корхона цехларига ўрнатилган юқори унумли технологик линиянинг йиллик қуввати 450 минг квадрат метр маҳсулот тайёрлаш имконини беради. Яқин келгусида ана шу тўла қувват асосида маҳсулот тайёрлаш учун саъй-ҳаракат қилинмоқда. Тайёрланаётган безак плиткалари кўриниши жиҳатидан ранг-баранг бўлиб, мармар ва гранитдан фарқ қилмайди. Лекин улардан бирмунча юпқалиги ҳамда енгиллиги билан афзал ҳисобланади. Пойтахтимиздаги кўплаб қурилиш ташкилотлари ҳам корхона маҳсулотларидан бунёдкорлик ишларида унумли фойдаланишмоқда. Жумладан «12-трест», «159-трест» акциядорлик жамиятлари доимий буюртмачилар сирасига киради.

Тадбиркор жамоа аҳли жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, экспортни кўпайтиришга эришиш йўлида барча имкониятларни ишга солмоқда.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

KAMOLOT TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI

***Келажак ёшларники. Бошланган хайрли ишларимиз давомчиси ёшлар. Мамлакатимизда 30 ёшгача бўлганлар 17 миллиондан ортиқ бўлиб, умумий аҳолининг 64 фоизини ташкил этади.***

# БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ КЕЛАЖАГИ







Шундай экан бугун униб-ўсиб келаётган ёш авлодга берилаётган таълим-тарбия эртага мустақил юртимиз тақдири, келажагини белгилайди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан юритилаётган сиёсатнинг устувор йўналиши ёшларни ҳар жиҳатдан етук ва баркамол этиб тарбиялаш, жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, миллий қадриятларимиз ва истиқлол ғояларига садоқатли, ўз касбининг етук мутахассиси этиб тайёрлашга қаратилганида ҳам айни юқоридаги хайрли мақсадлар кўзланган.

Бу борада ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, турли муаммоларининг ечилишида кўмаклашиш (иш билан таъминлаш, касб-ҳунарга ўргатиш, ўқув кредитларини, мустақил тадбиркорлик билан шуғулланишни бошлаш ёки ривожлантириш учун кредитларни олишда ёрдам бериш ва ҳ.к.) каби бир қатор вазифаларни бажаришни ўзининг олдига асосий мақсад қилиб иш бошлаган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳам бу борада қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Туман маҳаллаларида истиқомат қилаётган кам таъминланган оила фарзандларини касб-ҳунарга йўналтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида ҳаракатнинг Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов, Учтепа, Ҳамза ҳамда Юнусобод туман бўлимлари Кенгашлари қошида «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказлари ташкил этилди. Ушбу марказларда компьютер саводхонлиги ва хорижий тиллар курслари, психолог ва ҳуқуқшунос маслаҳати, вояга етмаган ёшлар ва ёш оилалар билан ишлаш, пазандачилик, тикувчилик, биринчи тиббий ёрдам, рақс, спорт ва шунга ўхшаш 20 га яқин тўгараклар очилган бўлиб, тўгаракларнинг очилишидан асосий мақсад ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, касб-ҳунарга ўргатиш ва уларни ҳаётга тайёрлаш каби масалаларни ҳал этишдир. Ҳозирги кунда ушбу марказларда 30 га яқин малакали мутахассислар фаолият юритиб келмоқда.

Ўтган «Ёшлар йили»да амалга оширилган ишлар кўламига назар ташласак аввало ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш ҳамда улар эътиборига ҳар бир соҳанинг истиқбол ва келажагини кўрсатиш, тушунтириб бериш ва келажакда амалга оширилиши керак бўлган ишларни сингдириш асосий мезон қилиб олинганини кўрамиз.

Шаҳардаги касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларида мунтазам равишда кўрик-танлов, тадбирлар ва давра суҳбатлари турли соҳаларнинг етук мутахассислари иштирокида ўтказилиб келинмоқда. Таълим муассасаларига яқин ҳудудларда жойлашган корхоналарни жалб қилган ҳолда бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилмоқда.

«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иш фаолиятини ривожлантириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бизнинг ёш тадбиркорларга кўрсатадиган асосий кўмагимиз уларга қонуний томондан ёрдам кўрсатиш, хусусий корхоналарни рўйхатга олиш ва турли банклардан имтиёзли кредитлар ажратилишида кўмаклашишдан иборатдир. Бу борада «Ёшлар йили» муносабати билан «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ёш тадбиркорларга кредитлар олиб беришда, ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатишда амалий ишлар қилинмоқда.

Хусусан, АТБ «Микрокредитбанк» билан ҳамкорликда «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳаси доирасида семинарлар ташкил этилди. Семинарлар шаҳримизнинг касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейларда ҳам ўтказилди. Сергели политехника касб-ҳунар коллежи, Молия-иқтисодиёт коллежи, Учтепа миллий ҳунармандчилик, А.Хўжаев номидаги дизайн касб-ҳунар коллежи, Шайхонтоҳур туманидаги Тошкент иқтисодиёт, Тошкент алоқа коллежлари шулар жумласидандир. Ўтказилган семинарларда ёшларга тадбиркорликни ривожлантириш учун кредитларнинг ажратилиши, ушбу кредитлар қай тариқа олиниши, олган кредитлардан қандай фойдаланиш мумкин ва шунга ўхшаш масалаларга ҳамда барча саволларга жавоб берилди. Ушбу ўтказилган семинарларга жами 3000 нафар ёшлар жалб қилинди.

Шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, халқ таълими бошқармаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда вояга етмаган ўсмирлар ва ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Ёшларни қонун чиқарувчи орган фаолияти билан яқиндан таништириш, ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида барча туман бўлимлари томонидан мактаб ўқувчилари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда «Интеллектуал олимпиада» кўрик-танлови ўтказилди. Жумладан, ҳаракатнинг барча туман бўлимлари Кенгашлари томонидан ушбу лойиҳа доирасида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови уюштирилди.

Бугун мамлакатимизда қурилаётган янги фуқаролик жамияти, ҳаётимизга кириб келаётган янгиланиш жараёнлари, ислоҳотларнинг тақдири ва келажаги аввало халқимизнинг бу ўзгаришларни қўллаб-қувватлашига, жойларда бу борада фуқароларимизнинг фаоллиги, уларнинг дунёқараши, онги тафаккурининг юксалишига боғлиқ. Ана шундай ривожланиш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода «Бунёдкор» ёшлар телеклуби томонидан ОАВ журналистларини фаол жалб этиш, уларнинг касб маҳоратини ошириш, журналистлар ташаббусларини ривожлантириш, журналистика факультетида таҳсил олаётган талабаларнинг олган назарий билимларини амалиётда татбиқ қилиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамкорлигида «Фуқаролик жамиятини қуришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли» мавзусида ОАВда фаолият юритаётган таниқли журналистлар билан давра суҳбати ўтказилди.

Анъанавий тарзда ташкил этилиб келинаётган «Сиз қонунни биласизми?» ҳамда «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловларининг республика босқичларида Юнусобод туманидаги 17-мактаб жамоаси пойтахт шарафини ҳимоя қилиб 1-ўринни, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Собир Раҳимов академик лицейи жамоаси 3-ўринни қўлга киритдилар.

Ёшларни ватанпарварлик ҳамда эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида Тошкент тижорат тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи ҳамда ҳаракатнинг Яккасарой туман бўлими Кенгаши томонидан «Ўзбекистон ёш рассомлар нигоҳида», «Мўйқалам гиёвандликни қоралайди» мавзусида рассомлар танлови ўтказилди.

Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида 11 та туман бўлимлари Кенгашларида «Маънавиятни англаш — инсонни англашдир», «Биз кутган китоб», «Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги» мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 йиллиги муносабати билан ҳаракатнинг Тошкент шаҳар ҳамда туман Кенгашлари томонидан 50 га яқин давра суҳбатлари, семинарлар ҳамда тадбирлар ташкил этилиб, Тошкент шаҳар ҳамда Собир Раҳимов туман бўлими Кенгашлари, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси масъул ходимлари иштирокида «Конституция ва ёшлар», «Конституция — бахтимиз қомуси», «Конституция — сенинг нигоҳингда», «Ўзбекистон Республикаси Давлат қонунлари — ёшлар ҳуқуқлари кафолатининг гаровидир» ва шунга ўхшаш тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этилди.

Буюк мутафаккирларимиз, шоирлар ва олимларимизнинг бизга қолдирган бой маънавий меросини ўрганиш, шунингдек бетакрор маданиятимизни ёшларга ўргатиш мақсадида бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Маънавият гулшани» давраси ташкил этилган. Ҳар ойда ўтказиладиган ушбу анжуманда шаҳримиз ёшлари фаол иштирок этадилар.

Ёшларни юртимиз тарихи юзасидан олган билимларини мувофиқлаштириш ва билим савияларини ошириш мақсадида умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртларида бошланғич ташкилот етакчилари ташаббуслари билан «Аждодлар мероси», «Юртнинг тарихсиз келажаги йўқ» мавзуларида бир қатор тадбирлар ўтказилди.

«Интеллектуал олимпиада» лойиҳаси доирасида «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танлови, «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда эса маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар орасида «Мен ватаним тарихини биламан» кўрик-танловлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Бундан ташқари ёшларга Ватанимиз тарихи, миллий қадриятларимиз, тарихий маънавий меросимизни ўргатиш мақсадида «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» лойиҳаси доирасида «Урф-одат ва ёшлар», «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар», «Миллий халқ ўйинлари» ҳамда «Варраклар сайли» фестиваллари ўтказилди. Лойиҳа доирасида амалга оширилган тадбирларда 20 мингга яқин ёшлар иштирок этишди.

Қадимдан илм-фан ва маданиятнинг йирик маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келаётган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини, пойтахтимизнинг юксак нуфузи ва мавқеъини муносиб равишда нишонлаш, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, халқимиз, айниқса ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсадида ҳаракатнинг туман бўлимлари Кенгашлари томонидан турли илмий-амалий семинарлар ташкил этилди. «Сиз ўз тарихингизни биласизми?» мавзусида викторина ўтказилди. Викторинада 66 нафар ёшлар иштирок этди. Бундан ташқари буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳукмронлик қилган ва маданиятнинг энг юқори чўққисига чиққан даврни ҳамда Темур тузукларини ёшлар онгига сингдириш мақсадида «Амир Темур бизнинг ифтихоримиз» мавзусида тадбир ташкил этилди.

«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгашининг ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ватанпарвар қилиб тарбиялаш, спорт ва жисмоний тарбияга кенг жалб этиш, шу жумладан спорт майдончаларини яратиш, вояга етмаган ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг, гиёвандлик, ОИТСнинг олдини олиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, экологик билимларини ошириш, ёшларни «Камолот» ЁИҲ соҳасига жалб қилиш, бошланғич ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш, фаоллигини ошириш ва ҳаракат тизимида ишлайдиган ходимлар, етакчилар малакалари ва билимларини ошириш мақсадида олиб борилаётган ишлар тўғрисида яна кўплаб мисолларни келтириб, ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтиш мумкин.

Фикримизни мухтасар қиладиган бўлсак, Президентимиз таъбирлари билан айтганда ёшлар — бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Уларнинг жисмонан соғлом, ақлан баркамол, руҳан тетик, сиёсий саводхон бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшиш эса ҳар биримизнинг бурчимиз, масъулиятимиздир. Бу йўлда ҳар биримиз бор билим ва маҳоратимизни ишга солишимиз, имкониятлардан самарали фойдаланишимиз шарт.

**Азимжон МИРЗАЖОНОВ,**
**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши раиси**

**СУРАТЛАРДА: «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан ўтказилган тадбирлардан лавҳалар**

***БУГУНГИ КУНДА МУСТАҚИЛ ДИЁРИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛАРИ ҲАР БИР ЖАБҲАДА КЎЗГА ТАШЛАНМОҚДА. ХУСУСАН ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ ВА МАЪНАН БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИГА ҚАРАТИЛГАН УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ- ТАРБИЯ ЙЎЛИДА ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ҚАД РОСТЛАМОҚДА. ТУРЛИ ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ, НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ЖАМҒАРМА ВА МАРКАЗЛАР ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН ИШ ОЛИБ БОРМОҚДА.***

*Марказлар фаолиятидан*

# ҲУНАР — ҲУНАРДАН РИЗҚИНГ УНАР

Ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, тил ўрганиш ва бўш вақтларини тўғри тақсимлашга хизмат қилаётган Собир Раҳимов туманида жойлашган Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази фаолияти ҳақида ҳам мана шундай илиқ фикрларни билдириш мумкин.

2007 йилда ўз фаолиятини бошлаган ва бугунги кунда ёшлар билан ҳамиша гавжум бўлиб келаётган ушбу марказда 8 та йўналиш бўйича тўгаракларда мунтазам иш олиб борилмоқда. Асосан маҳалладаги йигит-қизларни жамлаган марказда ўз касбининг устаси бўлган ўқитувчи — мураббийлар билим олиш, тил ва ҳунар ўрганишга интилган ёшларга кунт билан сабоқ бермоқдалар.

— Ижтимоий хизматлар марказимизга асосан туман миқёсида ёшлар келиб ўзлари қизиққан соҳалари бўйича ҳунар ўрганмоқдалар,— дейди биз билан суҳбатда марказ раҳбари Ҳабиба Муҳамедова. — Улар асосан 3 ой давомида малакали мутахассислардан касб-ҳунар сирларини ўрганиб, билганларини амалда синаб кўришга интиладилар. Ҳар ой 80-100 нафар бола битириб қўлига гувоҳномаларни олмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдимки, ушбу тўгаракларга қатнаш ва ҳунар ўрганиш мутлақо бепул. Яъни давлатимиз томонидан ёшларимизнинг ҳунар эгаллаб, бирон касб-корнинг эгаси бўлишлари йўлидаги яратилган имкониятлардан яна бири десак янглишмаймиз.

Марказ томонидан ёшларнинг қандай ҳунар эгаллаётганини ўрганиш мақсадида яқинда «Маҳалланинг намунали қизи» кўрик- танлови ўтказилди. Тўгарак қатнашчилари бажонидил ушбу танловда қатнашиб бешта шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Бор имконият ва иқтидорларини кўрсатиб ғолибликка даъвогар бўлган ёшлар ичида 28 –мактаб ўқувчиси Моҳира Ҳакимова мутлақ ғолиб деб топилди.

— Бундай танлов ва синовларни ўтказишдан мақсад, — дейди суҳбатни давом эттириб Ҳабиба Муҳамедова, — ёшларимизнинг қай даражада билим ва ҳунар эгаллаётганларини билиш ва ўрганиш, камчилик ва эътибор қаратилиши лозим бўлган масалаларни жойида ҳал этишдир.

Зеро, ҳунарли инсон ҳеч қачон кам бўлмайди, толеи баланд, ризқи бутун бўлади, дейди доно халқимиз. Шундай экан келажак эгалари бўлган ёшларнинг ҳар томонлама комил инсонлар қаторидан ўрин олишлари йўлида камарбаста бўлишдан асло чарчамайлик.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

*Танловлар*

# САРДОР ВА ЕТАКЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

***Диёримизга фасллар келинчаги бўлган Баҳорой ташриф буюрганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Она табиат уйғониб бутун атрофга ўз сепини ёйган. Ариқларда сувлар шилдираб бобо деҳқонни далага чорласа, ялпизларнинг хушбўйлари димоққа хуш ёқмоқда.***

Қушларнинг чуғур-чуғурларидан дил яйраб яратиш-яшнатиш, кўнгилларни кўтариш, меҳр-муҳаббат улашиш иштиёқида байрам тадбирлари ва танловлар ўтказишга чорламоқда. Мана шундай хайрли ният билан «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан ҳар йили пойтахт туманларида ўзининг намунали хулқи, жамоат ишларида фаоллик кўрсатиб тенгдошларига намуна бўлиб келаётган етакчи ёшларнинг оналарига бағишлаб «Баҳор марафони» кўрик-танлови ўтказилиб келинади.

«Онажон-мўътабар» шиори остида ўтадиган ушбу кўрик- танловда туманлар сардор ва етакчилари тўртта шарт бўйича беллашиб бор маҳорат ва билимлари, иқтидорларини кўрсатишга интиладилар. Чиройли байрам дастурхони атрофида, яхши ниятда фарзанд ўстираётган онажонларнинг фахр-ифтихор ва ғурурла ўтиришлари билан ғоятда чиройли ўтадиган ушбу танловда бу йил ҳам қатнашчи ва меҳмонларнинг олқишлари қувноқ куй-қўшиқларга уланди.

Танловда ота-она ва она Ватанига бўлган меҳр-муҳаббатини амалда кўрсатишга, берилган шартларни бекаму кўст бажаришга интилган Сергели туманидан Рустам Ниёзов биринчи ўрин, Собир Раҳимов туманидан Миржамол Миржалилов иккинчи ўрин, Шайхонтоҳур туманидан Абдужаббор Абдурасулов учинчи ўринни қўлга киритдилар. Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Тадбир сўнгида ғолиблар ва барча иштирокчилар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Нилуфар КАРИМХЎЖАЕВА,**
**«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши матбуот хизмати ходими.**

# СИРЛИ ОЛАМ

**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

● Калифорнияда мазкур йилнинг январь ойида қўлида 24 бармоғи бор бола дунёга келди. Камани Хаббардни ҳеч ким нуқсонли санамайди. Ота-онаси эса уни дунёдаги энг чиройли бола дейишмоқда. Аслини олганда, ҳар 500 чақалоқдан биттаси олтинчи бармоқ билан туғилар экан. Бу, табобатда полидактилия дейилади. Одатда, бундай бармоқлар ҳаракатсиз бўлади. Кўпинча, бу ҳолат қора танлиларда кузатилади. Лекин Камананинг оёқ ва қўлларидаги барча бармоқлари бирдай ишлайди ва уларнинг қайси бири ортиқча эканини аниқлаш мушкул. Аниқланишича, гўдак отасининг ҳам қўлида олтита бармоғи бўлган экан. Бола дунёга келгач, туғруқхона шифокори Майкл Трис унинг бармоқларини қолдириш тарафдори.

● Табиатшунос олимлар дунёдаги энг кекса дарахт қайси эканлигини ҳамон излашади. Ҳозирча Калифорния қояларида бўй чўзиб турган Мафсаил қарағай энг кекса дарахтлардан бири деб тан олинган. Қарағай «бобо» 4772 ёшни уриб қўйганмиш.

● Шри Ланканинг Анурадхапур шаҳрида ўсаётган яна бир «оқсоқол» дарахтнинг ёши 2295 да деб белгиланган.

● Озғинлигу семизлик тарозисига қўйилса, Ҳиндистондаги банян дарахти тош босади. Унинг эни бундан анча йиллар олдин ўлчанганда 300 метр экан. Ҳозир дарахт аввалгидан ҳам йўғонлашиб қолган.

● Африканинг тропик ўрмонларида ўсувчи баобаб дарахтидан маҳаллий аҳоли турли йўлларда фойдаланади. Масалан бир африкалик фарзандларини жазолаш учун дарахт ичини ўйиб «қамоқхона» қилган. Яъни шўхлик қилган боласини шу дарахт ичига қамайди.

Бошқа бир баобабдан аҳоли сув сақлашда фойдаланади. Бўйи 30 метр, эни эса 11 метр бўлган бу дарахт ичига 120 минг литр сув сиғаркан.

● Хитойлик Ли Госин юз терисини алмаштириш борасидаги ташхисни бошдан кечирган иккинчи инсон ҳисобланади. Ер юзида бундай ташхислар тўрт мартагина амалга оширилган. 2004 йилда Хитой деҳқонига айиқ ҳамла қилиб, юзини тишлаган. Икки йилгача жарроҳлар ташхисни қандай ўтказиш кераклиги ва донор танлови тўғрисида бош қотиришган. Автоҳалокат қурбони бўлган бир инсон шу мақсадда танланган. 2006 йилнинг апрель ойида эса ташхис амалга ошади.

Шифокорлар Ли Госин юзининг 2/3 қисмини алмаштиришади ва ташхис кўнгилдагидай ўтади.Аммо, бир йилдан сўнг организм бегона терини ажрата бошлаган. Яна бир қатор ташхислар қўйилди. Ли касалхонада сақланарди, лекин 2007 йилда у ердан қочиб кетади.

Кўп вақт давомида у ҳақда ҳеч қандай хабар йўқ эди. Аммо яқинда Ли ёзда вафот этгани тўғрисида маълумот олинди.

● Лифт бир инсон томонидан яратилган. Аммо, бу ғоя асрлар давомида шаклланган. Лифт каби ишловчи механизмлар кўп асрлардан бери ишлатиб келинган. Қадимги юнонларнинг юкларни кўтариш ускунаси бунга мисол бўлади. XVII асрда «учувчи стул» ихтиро қилинган. У инсонларни бинонинг юқори қаватига олиб чиқиб қўйган. Стул ва унинг кўтариш механизми бинодан ташқарида жойлашган бўлган. Аммо «учувчи стул» оммалашмаган. XIX асрнинг биринчи ярмида лифт яратилган эди. Лекин, у фақат оғир юкларни кўтаришга мўлжалланган. Кейинчалик бу кўтаргичлар барабанини айлантириш учун буғли двигателдан фойдаланилган. Одамлар лифтни ушлаб турувчи арқонлар узилишидан қўрқишган. Лекин Илайша Отис лифт билан боғлиқ ҳалокатларни бартараф этувчи ҳимоя воситасини яратгач, лифтлар машҳур бўлиб кетди. Бу пайтда лифт кабиналарини кўтариш ва тушириш учун гидравлик кўтаргичлар ишлатилган. Унда юқори босимдаги суюқликдан фойдаланилган. Биз ҳозир ишлатадиган электрли лифтлар немис муҳандиси Вернер фон Сименс томонидан яратилган.

● Ер сайёрасидаги энг ёлғиз дарахт Саҳрои Кабирда ўсарди. Атрофидаги 250 миллик ҳудудда ҳеч қандай дарахт йўқ. Минг афсуски, бу бардошли дарахтнинг умри қисқа бўлиб чиқди. Маст ҳолатда машина бошқараётган ливанлик бир ҳайдовчи тўғри келиб шу дарахтга урилади, ёлғиз дарахт шу тарзда нобуд бўлади. Ушбу дарахт шарафига Саҳрои Кабирда ёдгорлик ўрнатилган.

● Дунёдаги энг қиммат гилам бошланғич нархи 5 миллион доллар билан кимошди савдосига қўйилди. Аммо у энг сўнгги нарх бўлмай, гилам қиймати 210 миллион долларгача кўтарилиши мумкин. Аукцион 19 март куни Sotheby's савдо уйининг Қатар пойтахти Доҳадаги янги уйида бўлиб ўтади. XIX асрда ҳинд шаҳзодаси Бароднинг буюртмаси билан тайёрланган 173 га 264 сантиметрли гилам маржон ва биллур, зумрад каби қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Ҳинд ҳукмдорининг мўлжали бўйича 2,2 миллион маржон ва мунчоқлар билан безатилган гилам мусулмонларнинг марказий шаҳарларидан бири — Мадинага юборилиши керак эди. Бироқ давлатбоши Бароднинг ўлимидан сўнг «маржонли гилам» унинг ворисларининг қўлида қолди.

Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ҲИКМАТЛАР

Бу жаҳон ичра хато бисёр эрур,
Чун улардин биттаси инкор эрур.

* * *

Ишқ ила кўнгилни дарё айлагил.

* * *

Эр эсанг, қўйгил қадам, мардона юр,
Эрмасанг, хотин бўлиб, бир
чеτда тур.

* * *

Ишқ оғочи мевасиздир, бесамар,
Мева кутганларга айт, кетсин бадар.

* * *

Ишқ агар кўнгилни манзил айлагай,
Жонни шу дунёга бедил айлагай.

* * *

Бул эшикда не умрлар ўтмади,
Чекди ғам, мақсадга аммо етмади...

* * *

Хотирингни ҳар нафас жам айлагил.

* * *

Бўйла осонликча тарк этсанг сипар,
Иш яна мушкул бўлур, эй бехабар.

* * *

Тавба қил этган гуноҳингга ҳамон,
Тавба эшиги очиқдир ҳар замон.

* * *

Ҳақ иш ҳақдирки, беиллат эрур.

* * *

Ҳеч вақойинг бўлмаса даргоҳида,
Чекма ғам, хоку ғубор бўл роҳида.

* * *

Лутфу эҳсон денгизи илҳомчидир,
Айбимиз — денгизга томган
томчидир.

* * *

Ким гуноҳкорни гуноҳкор айлагай,
Ўзни жабр этувчи, жаббор айлагай.

* * *

Ўзни кам тутма, назар сол ҳар сари,
Йўқ шу олам ичра сендин афзали.

* * *

Қорни очганларга нон дармон эрур.

* * *

Оз бўлур яхлит сифатли кимса ул.

* * *

Ҳар кишининг пок бўлса тийнати,
Анбиёларнинг эди не ҳожати?

* * *

Чун ибодатга етишдинг, тут ани,
Аста-аста йўлга солгайдир сени.

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

2005 йилда М.С.Турсунхўжаева номли Тошкент тиббиёт коллежи томонидан Рихсиева Гулчеҳра Ниғматовна номига берилган К № 270642 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## БОҚИЙ ҚАДРИЯТ — ЭЗГУЛИККА ДАЪВАТ

**ДИЁРИМИЗДА НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА. ТЕВАРАК-АТРОФ БАҲОРИЙ ГЎЗАЛЛИК, АЖИБ ИФОРГА ЧУЛҒАНГАН. АЙНИ КУНЛАРДА ҲАР БИР ГЎШАДА, МАҲАЛЛАЛАР ГУЗАРЛАРИДА ДОШҚОЗОНЛАР ОСИЛИБ. НАВРЎЗНИНГ ТОТЛИ ТАОМЛАРИ — СУМАЛАК, ҲАЛИМ ҲАМДА КЎК СОМСА, ЧУЧВАРА ВА БОШҚА НОЗ-НЕЪМАТЛАР ПИШИРИЛМОҚДА.**





Куни кеча Мирзо Улуғбек туманидаги «Хумоюн» маҳалласида ҳам ана шундай байрам тадбири бўлиб ўтди. Бу маҳалла аҳолиси асосан кўп қаватли уйларда истиқомат қилади. Турли миллат вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечираётган маҳаллада 1415 та оила бўлиб, аҳоли сони тўрт мингдан ошиқ.

— Наврўз кунлари меҳр-мурувватга ташна, муҳтожларнинг кўнглини кўтариш, моддий ва маънавий кўмак бериш халқимизга хос урф-одат, — дейди маҳалла оқсоқоли Зикрилла Эрматов. Биз бундай тадбирларни анъанавий равишда ўтказиб келяпмиз. Уларга кам таъминланган оилаларнинг вакиллари, қариялар, уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва ўзгалар ёрдамига муҳтож одамлар таклиф этилади. Байрамда кўплаб ёшлар иштирок этмоқдаки, улар ҳам меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат кўрсатишдек эзгуликни қалбларига жо этадилар.

«Хумоюн» маҳалласидаги Наврўз тантаналари эрталабдан пешингача давом этди. Унда ўйин-кулгу, қувноқ қўшиқлар янгради. Кўплаб эл севган санъаткорлар ўзларининг ширали, мазмунли қўшиқлари билан даврага файз киритишди. Наврўзнинг гўзал таомлари — сумалак ва ҳалим эса барчага манзур бўлди.

Бу шодиёна маҳаллада истиқомат қилаётган барча миллат вакилларининг тинч-тотувлиги, аҳиллиги ва биродарлиги рамзига айланиб кетди. Наврўз — боқий қадрият эканлиги яна бир бор намоён бўлди.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ.**
**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**





*7 апрель—Жаҳон саломатлик куни*

## ХАЛҚ СОҒЛИҒИ— ЮРТ БОЙЛИГИ

**СОҒЛИК ҲАР БИР ИНСОННИНГ УЛКАН БОЙЛИГИ ҲИСОБЛАНАДИ. САЛОМАТЛИКНИНГ ҚАДРИ БЕМОР БЎЛГАНДАГИНА БИЛИНАДИ.ШУНДАЙ ЭКАН, ЧЕКСИЗ БОЙЛИГИМИЗ ҲИСОБЛАНГАН САЛОМАТЛИГИМИЗНИ АВАЙЛАБ-АСРАШИМИЗ ЛОЗИМ. МАЪЛУМКИ, МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ЮРТБОШИМИЗ ВА ҲУКУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН ЧИҚАРИЛАЁТГАН ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАР, ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИНИНГ БОШ МАҚСАДИ ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ, ТУРЛИ ХИЛ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАН ИБОРАТДИР.**

Бугунги кунда республикамизда кўплаб замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган шифо масканлари, оилавий поликлиникалар, касалхоналар аҳоли саломатлигини сақлаш ҳамда сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш борасида самарали фаолият олиб бормоқда. Жумладан, Мирзо Улуғбек туманидаги шаҳар 5-сон клиник шифохонаси ҳақида сўз юритар эканмиз, 1998 йилдан шаҳар марказий шифохонаси номи билан аталувчи мазкур шифо масканига 2008 йил май ойидан бошлаб шаҳар 5-сон клиник шифохонаси мақоми берилди.

— Шифохона 242 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда йилига 7000 га яқин бемор стационар шароитида даволаниб, ўз соғлиғини тиклайди,— дейди биз билан суҳбатда мазкур шифохона бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Гулнора Кенжаева.— Шифо масканида функционал диагностика, клиник ва биохимик лаборатория, рентген, физиотерапия, умумий терапия, асаб, лор касалликлари, жарроҳлик, гинекология ва туғруқхона бўлимлари мавжуд. Туғруқхона бўлимида йилига мингдан ортиқ чақалоқлар дунёга келади. Шифокорларимизнинг аксарияти олий тоифали шифокорлардан иборат. Улар орасида халқимизга бор билими ва эътиқоди билан хизмат кўрсатиб, раҳмат ва олқиш олаётган, элимиз таҳсинига сазовор бўлаётган қўли енгил шифокорлар кўпчиликни ташкил этади. Булардан туғруқ бўлими мудири Э.Аблаева, гинекология бўлими мудири С.Расулевалар боланинг дунёга келишида она ва чақалоқ ҳаётининг хавфсизлиги учун бор билим ва тажрибаларини ишга солиб, масъулиятли вазифаларини сидқидилдан адо этмоқдалар. Шунингдек, диагностика устидан назорат билан биргаликда касаба уюшмаси ишларини самарали олиб бораётган Э.Ҳайдарова, жарроҳлик бўлими мудири Д.Нурмуҳамедов, терапия бўлими мудири Р.Холмуродова шулар жумласидандир. Даво излаб келган беморларга тиббий муолажаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишида Л.Тожибоева, Е.Шевцова, Е.Шамова, Ф.Мирзаева каби қўли енгил,сўзи ширин ҳамшираларнинг хизматлари алоҳида таҳсинга сазовор бўлмоқда.

Шифохонанинг амбулатор-пуллик бўлими фуқароларга хизмат кўрсатиш билан бирга беморларга тўғри ташхис қўйиш ҳамда самарали даволаниш учун юқори савияли мутахассисларнинг тавсияларини олиш имконини беради. Айтиш жоизки, 2006-2007 йилларда шифохонага Япония ҳукумати томонидан бир қатор замонавий диагностик жиҳозлар топширилган. Диагностика бўлимида бу тиббиёт жиҳозларидан кенг фойдаланилмоқда. Физиотерапия бўлими санатор-курорт туридаги даволаш муолажалари, жумладан, электр, магнит, сувли ва бальнеологик муолажаларни ўз ичига олган. Булардан сув ҳавзаси, сув остида уқалаш, турли хил даво ванналаридан беморлар катта мамнуният билан фойдаланадилар.

Мазкур шифо маскани ҳудудини айланар экансиз, ям-яшил дарахтзор, гулзорлардан иборат ободонлаштирилган катта ҳовли, унинг мусаффо ҳавоси беморлар саломатлигини тиклаш, кайфиятини кўтариши билан бирга уларнинг олдига келувчиларда ҳам яхши таассурот қолдираётганлигининг гувоҳи бўласиз. Зеро, халқимиз саломатлигини сақлашда бу каби хушманзара, кўркам ва озода шифо масканларининг аҳамияти каттадир.

**Дилором ИКРОМОВА**
**СУРАТЛАРДА: шаҳар 5-сон клиник шифохонаси фаолиятидан лавҳалар.**
**Алексей Попов олган суратлар**

**МАЪЛУМКИ, СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ҲАЙДОВЧИ ВА ЙЎЛОВЧИЛАРНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ НАТИЖАСИДА СОДИР БЎЛАЁТГАН ТЎҚНАШУВЛАР СОНИНИ КАМАЙТИРИШ БОРАСИДА ПОЙТАХТИМИЗДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

*Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан*

## ХАВФСИЗЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Кўча ва йўллар кенгайтирилиб, носоз йўлаклар таъмирланмоқда. Ҳайдовчи ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши учун қулай шароитлар яратилмоқда. Бироқ шундай бўлса-да, баъзи ҳайдовчи ёки пиёдаларнинг эҳтиётсизликлари туфайли йўл-транспорт ҳодисалари учраб турибди. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Тошкент шаҳри ҳудудида 2008 йил мобайнида 186 маротаба техноген тусдаги фавқулодда вазият – йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, натижада 75 нафар инсон ҳаётдан кўз юмган ва 575 нафар фуқаролар турли даражадаги тан жароҳати олганлар.

Оддий мисол. 2009 йилнинг 4 февраль куни Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчасида "БМВ" русумли автоулови ҳайдовчиси йўл қоидасини қўпол равишда бузиб, "Мерседес-Бенц" микроавтобусининг орқа томонидан қаттиқ уриши натижасида микроавтобус ҳайдовчиси бошқарувни йўқотган ва йўл четидаги дарахтга урилган. Оқибатда ҳайдовчи ва 8 нафар йўловчининг ҳаёти хавф остида қолган. Воқеа жойига етиб келган қутқарувчилар махсус асбоб-ускуналар ёрдамида микроавтобус салони ичидаги жабрланган шахсларни зудлик билан олиб чиқишган ва касалхонага жўнатишган.

Тошкент шаҳрида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари, ҳайдовчиларнинг қўпол равишда йўл ҳаракати қоидаларини бузиши, яъни маст ҳолда автотранспорт воситаларини бошқариши, тезликни ошириши, чорраҳаларда йўл белгилари ва йўлчироқ ишораларига риоя қилмаслиги, ёш ҳайдовчиларнинг гавжум автоуловлар ҳаракатланаётганида бошқарувни тўғри баҳолай олмаслиги хавотирни янада оширади. Маълумки, Тошкент шаҳрида олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари ва кўчаларнинг кенгайганлиги қувонарли, бироқ айрим масъулиятсиз ҳайдовчилар томонидан йўл транспорт ҳодисаларининг содир этилаётгани ачинарлидир.

Ўзини асраганни Оллоҳ ҳам асрайди, дейдилар. Шундай экан, хавфсизлигимиз ўз қўлимизда. Ҳар бир инсон ҳушёр ва зийрак бўлиши, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиши шарт. Шундагина турли кўнгилсизликларнинг олдини олган бўламиз.

**Хуршид АЛИБОЕВ,**
**Тошкент шаҳар ФВБ Тезкор навбатчилик гуруҳи ва ахборот таҳлил хизмати бошлиғи.**
**Азамат СУЮНОВ,**
**журналист.**

*Спорт янгиликлари*

## ГЕРМАНИЯДАН ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Германияда спорт гимнастикаси бўйича уюштирилган жаҳон кубогининг иккинчи босқич мусобақалари ҳамюртимиз Луиза Галиуллинага омад келтирди.

Олимпиада ўйинлари совриндори Оксана Чусовитина мураббийлигида халқаро турнирга жиддий ҳозирлик кўрган Луиза ўзининг яхшигина спорт формасида эканлигини исботлаб, саралаш баҳсида муваффақиятли иштирок этди ва иккинчи ўринни эгаллади. Якунда эса 12,175 балл тўплаб кучли бешликдан ўрин олди.

## ЁШ ПАХТАКОРЧИЛАР— ЯРИМ ФИНАЛДА

Аввал хабар берганимиздек, Россияда ўсмир ёшлар ўртасида футбол бўйича ташкил этилган халқаро турнирда Ватанимиз шарафини 1993 йилда туғилган ёшлардан таркиб топган «Пахтакор» академияси тарбияланувчилари ҳимоя қилишмоқда.

Турнирнинг биринчи учрашувида Россиянинг «Красногвардеец» жамоасини 1:0 ҳисобида мағлуб эта олган ёш пахтакорчилар «Кубан» жамоаси билан 1:1 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этганди. Сўнгги турда мезбонларнинг «Спартак» командасига қарши майдонга тушган ҳамшаҳарларимиз рақибларини йирик 7:0 ҳисобида енгишди ва турнирнинг ярим финалида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**(Ўз мухбиримиз)**

*Турфа олам*

## ШИРИНЛИК УМРНИ УЗАЙТИРАДИ...МИ?

Сайёрамиздаги энг кекса одам — португалиялик 116 ёшли Мария де Жезуш ҳаёт билан видолашди. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, онахон "Тез ёрдам" машинасида шифохонага олиб кетилаётганида йўлда вафот этган. У бир ойдан сал аввалроқ, яъни ноябрь ойида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган эди.

1893 йилнинг 10 сентябрида туғилган Мария де Жезуш умр бўйи Лиссабондан 150 километр шимоли-шарқда жойлашган Коружи қишлоғида яшади. У олти фарзанднинг онаси, 11 невара, 16 чевара ва уч нафар эваранинг бувижониси эди.

Онахоннинг бундай узоқ умр кўриш сири ҳатто унинг қариндошлари ва қўшниларига ҳам сирлигича қолди. Чунки буви 12 ёшидан то кексайиб қолгунича далада меҳнат қилди, доимий оч-наҳорлик ва етишмовчиликни бошдан ўтказди. Қизи онасининг яшаш тарзидаги ёки овқатланишидаги бирор ўзига хосликни эслай олмайди. Рекордчи аёл ҳеч қачон спиртли ичимлик ва қаҳва истеъмол қилмаган, аммо ширинлик унинг жону дили эди.

Мария де Жезуш вафотидан сўнг америкалик геронтолог Стивен Коулс асос солган "110дан ошганлар учун" клубида 87 киши қолди. Клуб аъзоларининг 77 нафарини аёллар ташкил этади. Клубнинг энг кекса кишиси энди америкалик Гертруда Бэйнсдир. У яқинда 115 ёшга тўлади.

## ШАМОЛЛАШДА БИРИНЧИ ЁРДАМ

Ҳаводаги кескин ўзгаришлар турли шамоллаш хасталикларини келтириб чиқариши маълум. Шундай хасталиклардан бири юқумли нафас йўллари шамоллашидир.

Енгил шамоллаш белгилари пайдо бўлганида уй шароитида нималар қилиш мумкин? Бу борада қуйидаги зарарсиз, беозор омиллардан айримларини тавсия этамиз.

Кучли йўтал ва ҳарорат кўтарилганда:

— бир чой қошиқ тоза асал ва икки ош қошиқ арпабодиён ўсимлигини чойнакка солиб, устига 200 гр сув қуйиб, 5 дақиқа қайнатилади ва докадан сузиб ўтказилган дамлама ҳар 2 соатда ичиб турилади;

— томоқ-бўйин соҳасига жун рўмол яхшилаб ўралади ва иссиқ сутга ярим чой қошиқ истеъмол содаси солиб, 1 ош қошиқ асал, сариёғ қўшиб ётиш олдидан ва тонгда турганда ичилади. Думба ёғини эритиб, жиззасини иссиқ ҳолда пиёз билан ейиш ўта фойдали;

— турп сомонча шаклида тўғраб қозонга солинади ва устига шакар сепиб, 1-2 соат паст оловда қиздирилгач, ажралиб чиққан шарбат 4 маҳал иссиқ ҳолда ичилади;

— тоғрайҳондан бир чой қошиғи чойнакка солиб дамланади ва тайёр дамламани докадан ўтказиб, 4-5 маҳал ярим пиёладан ичиш тавсия этилади, сабаби, тоғрайҳон С витаминига, яъни аскорбин кислотасига бой бўлиб, бу витамин шамоллашга қарши таъсир кўрсатувчи кучли моддадир, яна тоғрайҳон таркибидаги эфир мойлари, танид, қаротин каби моддалар ҳам инсон аъзоларидан зарарли чиқитқиларни чиқариб юборади;

— кечқурун ётиш олдидан 1 чойнак қайнаб турган сувда катта бўлак новвот қайнатилади — 20 дақиқадан кейин 1 чимдим мурч солиб қайноқ-қайноқ ичилади;

— кечқурун ётиш олдидан оёқлар тузли иссиқ сув ёки ханталли ваннага 15 дақиқа солинади ва яхшилаб артиб, жун пайпоқлар кийиб ухлаш зарур, токи, терлаб, шамоллаш белгилари танадан чиқиб кетсин;

— кечки овқатга қиймали мастава ёки қўй ва мол гўшти, озгина думба ёғи солинган қайнатма шўрвага мурч солиб, иссиқ-иссиқ ичиш ва ўраниб ётиш зарур.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



«Ўзбек Давлат цирки республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки»

Ҳурматли томошабинлар!

2009 йил 11 апрелдан

бошлаб Тошкент циркида африкалик цирк усталари «Танзания мафтун этади» қизиқарли дастурини намойиш этишади.

Томошалар: шанба кунлари соат 15.00 да ва якшанба кунлари соат 12.00 ва 15.00 да бошланади.

Маълумотлар учун телефонлар:
244-35-91, 244-35-92, 244-32-23.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Буюртма Г-306.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3824нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

256

Топширилган вақти: 13.40